

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 июлдаги “2020-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида мультииндикатор кластер кузатувларини ўтказиш тўғрисида”ги 625-сон қарори ижросини
АМАЛГА ОШИРИШ ГРАФИГИ**

(2023 йил 4 сентябрь ҳолатига)

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Масъуллар Вазирлик ва идоралар	Ижро ҳолати
1.	Ўзбекистон Республикасида “Мультииндикатор кластер кузатуви” лойиҳасини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади), Давлат статистика қўмитаси ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Болалар жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси (кейинги ўринларда ЮНИСЕФ деб аталади) ўртасида уч томонлама келишув имзоланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.	Кузатув ўтказишни ташкил этиш бўйича Давлат статистика қўмитасининг ички буйруғини қабул қилиш.	2019 йил 1 августга қадар	Давлат статистика қўмитаси	Бажарилди. Давлат статистика қўмитасининг Кузатув ўтказишни ташкил этиш бўйича 2019 йил 29 июлдаги 83-сонли, 2020 йил 31 январдаги 7-сонли ҳамда 2021 йил 29 мартдаги 29-сон буйруқлари қабул қилинди.
2.	2. Қуйидагилар: “2020-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида мультииндикатор кластер кузатуви”ни (кейинги ўринларда Кузатув деб аталади) ўтказиш учун Миллий соҳалараро мувофиқлаштирувчи кенгаш (кейинги ўринларда Кенгаш деб аталади) таркиби 1-иловага	1. 2020-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида мультииндикатор кластер кузатуви”ни ўтказиш учун Миллий соҳалараро мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишини ташкил этиш. 2. Кузатув ўтказиш бўйича техник гуруҳини фаолиятини	2019 йил август, кейинги йиғилишлар – Кузатув режасига мувофиқ	Миллий соҳалараро мувофиқлаштирувчи кенгаш	Бажарилди. Кузатувни сифатли ташкил этиш, жумладан Мувофиқлаштирувчи кенгашга тасдиқлаш учун кузатув модуллари ва саволномаларини пухта ишлаб чиқиш мақсадида 2019 йилнинг 5 ва 25 сентябрь кунлари тегишли вазирлик ва идораларнинг кузатув

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Масъуллар Вазирлик ва идоралар	Ижро ҳолати
	<p>мувофиқ; Кузатувни ўтказиш схемаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.</p>	<p>ташқил этиш.</p> <p>3. Кузатув ўтказиш схемасида белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш.</p>	<p>Схемада белгиланган муддатларда</p>	<p>Давлат статистика қўмитаси, ЮНИСЕФ</p>	<p>ўтказиш учун бириктирилган масъул ходимлари таркибида тузилган идоралараро ишчи гуруҳ томонидан Давлат статистика қўмитасида муҳокамалар ўтказилди.</p> <p>2019 йил 31 октябрдан 2 ноябргача Давлат статистика қўмитаси ҳамда ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари иштирокида кузатув саволномаларини адаптация қилиш бўйича қўшма семинар ташқил этилди.</p> <p>2019 йилнинг 17 декабр-ида 14-02/1-1394-сон билан 2020-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида мультииндикатор кластер кузатувини ўтказиш бўйича Миллий соҳалараро мувофиқлаштирувчи кенгашининг биринчи йиғилиши баёни тасдиқланди.</p> <p>Ушбу йиғилиш баёни билан мультииндикатор кластер кузатувини ўтказиш бўйича техник гуруҳи таркиби, кузатув ўтказиш учун танлаб олинган саволнома ва модуллар рўйхати ҳамда кузатув ўтказиш бўйича дастлабки бюджет лойиҳаси тасдиқланди.</p>

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Масъуллар Вазирлик ва идоралар	Ижро ҳолати
3.	<p>3. Қуйидагилар Кенгашнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:</p> <p>глобал “Multiple Indicator Cluster Survey” (кейинги ўринларда MICS деб аталади) дастури талабларига мувофиқ Кузатувга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;</p> <p>Кузатув ўтказиш учун ваколатли орган ҳамда давлат бошқаруви ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни мувофиқлаштириб бориш;</p> <p>глобал MICS дастурининг умумий тавсияларига мувофиқ Кузатув режаси ва бюджетини тасдиқлаш;</p> <p>Кузатувга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказилиши устидан назорат олиб бориш;</p> <p>Кузатув саволномаларини тасдиқлаш.</p>	<p>1. Кузатувга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш.</p> <p>2. Кузатув ўтказиш жараёнида ваколатли орган ҳамда давлат бошқаруви ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни мувофиқлаштириб бориш.</p> <p>3. Глобал MICS дастурининг умумий тавсияларига мувофиқ ишлаб чиқилган Кузатув режаси ва бюджетини тасдиқлаш.</p> <p>4. Кузатувга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказилиши устидан назорат олиб бориш.</p> <p>5. Кузатув саволномаларини ишлаб тасдиқлаш.</p>	<p>Кузатув ўтказиш даврида</p> <p>Кузатув ўтказиш даврида</p> <p>2019 ноябрь</p> <p>Кузатув ўтказиш даврида</p> <p>Кузатув режасида белгиланган муддатларда</p>	<p>Миллий соҳалараро мувофиқлаштирувчи кенгаш</p>	<p>Бажарилди.</p> <p>Кузатувга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажарилиши назоратга олинган.</p> <p>2020-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида мультииндикатор кластер кузатувини ўтказиш бўйича Миллий соҳалараро мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишининг</p> <p>14-02/1-1394 17.12.2019 й.</p> <p>1-сон йиғилиш баёни;</p> <p>02/1-1394 29.03.2021й.</p> <p>2-сон йиғилиш баёни.;</p> <p>02-02/1-1394 30.09.2021й.</p> <p>3-сон йиғилиш баёни билан Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 июльдаги “2020-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида мультииндикатор кластер кузатувларини ўтказиш тўғрисида”ги 625-сон қарори ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисида муҳокамалар ўтказиб келинмоқда.</p> <p>Бажарилди.</p> <p>Кузатув ўтказиш жараёнига тайёргарлик кўриш ва уни</p>

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Масъуллар Вазирлик ва идоралар	Ижро ҳолати
					<p>Ўтказишда давлат бошқаруви ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатилган.</p> <p>Бажарилди. (3 ва 5 кичик бандлар)</p> <p>Миллий соҳалараро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2019 йил 17 декабрдаги 14-02/1-1394-сон йиғилиш баёни билан мультииндикатор кластер кузатувини ўтказиш учун танлаб олинган саволнома ва модуллар рўйхати ҳамда кузатув ўтказиш бўйича дастлабки бюджет лойиҳаси тасдиқланди.</p> <p>Кузатув саволномалари ЮНИСЕФ ҳудудий ва Марказий ваколатхоналари томонидан берилган қўшимча ва ўзгартиришларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон шароитига мослаштирилди ва Қорақалпоқ тилига таржима қилинди ҳамда ЮНИСЕФ томонидан этик экспертизадан ўтказилди.</p> <p>Миллий соҳалараро мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилининг 2 сонли баёни (02/1-1394 29.03.2021й.) билан кузатув саволномалари тасдиқланди.</p>

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Масъуллар Вазирлик ва идоралар	Ижро ҳолати
					<p>Миллий соҳалараро мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилининг (02-02/1-1394 30.09.2021й.) 3-сон йиғилиш баёнига мувофиқ, ЮНИСЕФ ташаббусига кўра, кузатув натижаларини муҳокама қилиш ва келгусидаги амалга оширилиши лозим бўлган ишларни белгилаб олиш мақсадида жорий йилнинг 30 июнидан 2 июль кунига қадар семинар ташкил этилди, ушбу семинарда ЮНИСЕФнинг Бош офиси ва Минтақавий ваколатхонасининг халқаро экспертлари онлайн тарзда иштирок этишди.</p> <p>Давлат статистика қўмитасидан кузатувни ўтказишга масъул координаторлар томонидан ЮНИСЕФ вакиллари билан биргаликда республиканинг барча ҳудудлари бўйича кузатув маълумотлари базаси таҳлили амалга оширилди ҳамда таҳлиллар давомида кузатув натижасида чикувчи 200 дан ортиқ кўрсаткичлар ўрганилди.</p> <p>Таҳлил натижаларига кўра, 559 та кластерда (маҳаллада) жойлашган 10932 та уй</p>

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Масъуллар Вазирлик ва идоралар	Ижро ҳолати
					<p>хўжаликларида ўтказилган кузатув сифатли деб топилди ва унинг натижасида шаклланган маълумотлар умумий ҳолатда мақбул деб ҳисобланди.</p> <p>Шу билан бирга, айрим кўрсаткичлар миллий административ маълумотлардан фарқ қилганлиги боис, ЮНИСЕФ экспертлари томонидан кузатувни 2-босқичга бўлишни, биринчи босқични яқунланган деб топишни ва ЮНИСЕФ методологиясига мувофиқ, 2-босқични жойларда уй хўжаликларида кузатув ишларини ўтказиш учун мустақил кузатувчиларни (интервьюерларни) жалб этган ҳолда ўтказишни таклиф этилди.</p> <p>Шу муносабат билан интервьюер сифатида иштирок этиш учун аҳоли ўртасида танлов эълон қилишга ва 2-босқичда юқоридаги 559 та кластерда (маҳаллада) жойлашган 4448 та атрофидаги уй хўжаликларини ўрганишга қарор қилинди.</p> <p>Бунинг натижасида, кузатув якунида шаклланиши кўзда тутилган барча индикаторлар бўйича юқори сифатли,</p>

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Масъуллар Вазирлик ва идоралар	Ижро ҳолати
					<p>репрезентатив маълумотларни олиш имкониятини яратилиши таъкидлаб ўтилди.</p> <p>Кузатувнинг 2-босқичида, 1-босқичда кузатувлар ўтказилган 559 та кластер тўлиқ қамраб олинди, мақсадли қамров сифатида 4448 та уй хўжаликларида кузатувлар ўтказилиши белгиланди.</p>
4.	<p>4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (кейинги ўринларда Давлат статистика қўмитаси деб аталади) Кузатувни ўтказиш бўйича ваколатли орган этиб белгилансин ва ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда қуйидаги вазифаларни амалга оширилишини таъминласин:</p> <p>кузатилиши лозим бўлган уй хўжаликлари сони ва рўйхатини шакллантириш;</p> <p>глобал MICS дастурининг умумий тавсияларига мувофиқ Кузатув режаси ва бюджетини ишлаб чиқиш ва кенгашга тасдиқлаш учун киритиш;</p> <p>Кузатув саволномаларини ишлаб чиқиш ва кенгашга тасдиқлаш учун киритиш;</p> <p>Кузатувни ўтказиш учун</p>	<p>1. Кузатилиши лозим бўлган уй хўжаликлари сони ва рўйхатини шакллантириш.</p> <p>2. Глобал MICS дастурининг умумий тавсияларига мувофиқ Кузатув режаси ва бюджетини ишлаб чиқиш ва Кенгашга тасдиқлаш учун киритиш</p> <p>3. Кузатув саволномаларини ишлаб чиқиш ва Кенгашга тасдиқлаш учун киритиш.</p> <p>4. Кузатувни ўтказиш учун экспертларни, шу жумладан халқаро экспертларни жалб этиш.</p> <p>5. Кузатув саволномаларини тўлдириш бўйича интервьюерлар учун</p>	Кузатув режасида белгиланган муддатларда	Давлат статистика қўмитаси, ЮНИСЕФ	<p>Бажарилди.</p> <p>Кузатилиши лозим бўлган уй хўжаликлари сони шакллантирилди (726 та МФЙларда, 14520 та уй хўжаликлари).</p> <p>Миллий соҳалараро мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилинининг (02-02/1-1394 30.09.2021й.) 3-сон йиғилиш баёнига мувофиқ Кузатувнинг 2-босқичида, 1-босқичда кузатувлар ўтказилган 559 та кластер тўлиқ қамраб олинди, мақсадли қамров сифатида 4448 та уй хўжаликларида кузатувлар ўтказилиши белгиланган.</p> <p>Бажарилди.</p> <p>Миллий соҳалараро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2019 йил 17 декабрдаги 14-02/1-</p>

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Масъуллар Вазирлик ва идоралар	Ижро ҳолати
	<p>экспертларни, шу жумладан халқаро экспертларни жалб этиш; саволномаларни тўлдириш бўйича интервьюерлар учун йўриқномаларни ишлаб чиқиш; Кузатув ўтказиш учун мутахассисларни тайёрлаш бўйича ўқув тренинглар ташкил этиш; жойларда Кузатувни ўтказиш.</p>	<p>йўриқномаларни ишлаб чиқиш.</p> <p>6. Кузатув ўтказиш учун мутахассисларни тайёрлаш бўйича ўқув тренинглар ташкил этиш.</p> <p>7. Жойларда бевосита уй хўжаликларига ташриф буюрган ҳолда Кузатувларни ўтказиш ва мунтазам равишда мониторинг ташрифларини амалга ошириш.</p> <p>8. Кузатув маълумотларини йиғиш ва таҳлил қилиш.</p> <p>9. Кузатув натижалари асосида республикадаги болалар ва оналар ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлаш ва Кенгашга тақдим этиш.</p> <p>10. Кузатув натижаларини Давлат статистика қўмитаси ва ЮНИСЕФ сайтида ҳамда оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш.</p>			<p>1394-сон йиғилиш баёни билан мультииндикатор кластер кузатувини ўтказиш учун глобал MICS дастурининг умумий тавсияларига мувофиқ дастлабки кузатув режаси ишлаб чиқилди ва кузатув бюджетининг дастлабки кўриниши тасдиқланди.</p> <p>Бажарилди.</p> <p>Миллий соҳалараро мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилинининг 2 сонли баёни (02/1-1394 29.03.2021 й.) билан кузатув саволнома-лари тасдиқланди.</p> <p>Бажарилди. ЮНИСЕФнинг минтақавий офисидан консултантлар кузатувни ўтказишга тайёргарлик кўриш ишларига жалб этилди. ЮНИСЕФ тавсиясига мувофиқ, MICS-6 жараёнида СAPI да ишлаш учун Windows ва Android операцион тизимларида ишловчи CsPro 7.4нинг янги версиясини яратиш ишларига халқаро эксперт жалб этилди.</p> <p>Бажарилди.</p> <p>Кузатув саволномалари бўйича йўриқномалар ишлаб чиқилди ва Кенгаш муҳокамасидан сўнг тасдиқланди.</p>

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Масъуллар Вазирлик ва идоралар	Ижро ҳолати
					<p>Бажарилди. Кузатув ўтказиш учун тайёргарлик ишлари бўйича хариталар тузиш ва уй хўжаликларини рўйхатга олиш ишларини бажариш учун ҳудудлардан танлаб олинган масъул ходимларга 11-16 январь кунлари ўқув тренинг ва амалий машғулотлар ташкил этилди.</p> <p>Бажарилди. Кузатув ўтказиш учун мутахассисларни тайёрлаш бўйича ўқув тренинглар ташкил этилди, жумладан 2021 йил 1-31 март кунлари 14 та ҳудуднинг супервайзер, интервьюер ва тарозибонлари (жами 98 нафар) учун ЮНИСЕФнинг тавсиялари асосида бир ойлик тренинг ва амалий машғулотлари ўтказилди.</p> <p>Миллий соҳалараро мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилининг (02-02/1-1394 30.09.2021й.) 3-сон йиғилиш баёнига мувофиқ Кузатувнинг 2-босқичида, ЮНИСЕФ методологиясига мувофиқ, жойларда уй хўжаликларида кузатув ишларини ўтказиш учун мустақил кузатувчиларни</p>

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Масъуллар Вазирлик ва идоралар	Ижро ҳолати
					<p>(интервьюерларни) жалб этган ҳолда ўтказиш учун кўмита веб сайти ва бошқа манбаалар орқали эълон берилиб республиканинг турли ҳудудларидан жами 39 нафар талабгор саралаб олинди ва ЮНИСЕФнинг тавсиялари асосида 17 кунлик тренинг ва амалий машғулоти ўтказилди. (19 октябрдан 6 ноябр кунлари).</p> <p>2021 йилнинг 12 ноябрь санасидан жойларда кузатув ишларининг иккинчи босқичи бошланди. Кузатувнинг иккинчи босқичи 2022 йил январь ойида якунланди.</p> <p>Бажарилди.</p> <p>Жойларда бевосита уй хўжаликларига ташриф буюрган ҳолда жойларда кузатув жараёнини мунтазам равишда мониторингини ташкил этиш учун Давлат статистика кўмитаси ҳамда ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда ишлаб чиқилиб келишилган график асосида ҳудудларга координаторлар томонидан мониторинг ташрифлари амалга оширилди.</p> <p>Бажарилди.</p> <p>Кузатув маълумотларини</p>

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Масъуллар Вазирлик ва идоралар	Ижро ҳолати
					Йиғиш ва таҳлил қилиш ишлари 2022 йил февраль-март ойларида амалга оширилди.
5.	5. Давлат статистика қўмитаси Кузатувни 2020-2021 йиллар учун мўлжалланган Давлат статистика ишлари дастурига киритилишини таъминласин.	Кузатув бўйича бажариладиган ишларни 2020 ва 2021 йиллар учун мўлжалланган Давлат статистика ишлари дастурига киритиш.	2019 йил ноябрь, 2020 йил ноябрь	Давлат статистика қўмитаси	Бажарилди. 2021 йил учун Давлат статистика ишлари дастурига “6.7. Болалар ва аёллар ҳолати мониторинги” бандида “Мультииндикатор кластер кузатуви” бўйича бажариладиган ишлар белгиланган тартибда киритилди.
6.	6. Кузатувга тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш ва натижаларини қайта ишлаш билан боғлиқ ишларни бажаришга жалб қилинган шахслар учун Кузатув ўтказилиши белгиланган муддатларда асосий иш жойидаги иши (лавозими) ва ўртача иш ҳақи миқдори сақланиши белгилаб қўйилсин.	Ижро учун қабул қилиш.	Кузатув ўтказиш даврида	Кузатувга алоқадор вазирлик ва идоралар	Бажарилди. Ижро учун қабул қилинди.
7.	7. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги Давлат статистика қўмитасига Кузатувни амалга ошириш доирасида халқаро ва донор ташкилотлар маблағларини жалб қилиш чораларини кўрсин. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Давлат статистика	Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги томонидан зарур ҳолларда, Давлат статистика қўмитасига Кузатувни амалга ошириш доирасида халқаро ва донор ташкилотлар маблағларини жалб қилишда амалий ёрдам кўрсатиш.	Кузатув ўтказиш даврида	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги	Бажарилди. Зарурат мавжуд эмас

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Масъуллар Вазирлик ва идоралар	Ижро ҳолати
	кўмитасига, зарур ҳолларда, Кузатувда иштирок этувчи мутахассисларни ўқитиш учун хорижий экспертларни жалб қилиш масалаларида амалий ёрдам кўрсатсин.	Давлат статистика кўмитасига, зарур ҳолларда, Кузатувда иштирок этувчи мутахассисларни ўқитиш учун хорижий экспертларни жалб қилиш масалаларида амалий ёрдам кўрсатиш.			
8.	8. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Кузатувни ўтказишда иштирок этадиган ходимларга болаларнинг иммунизация ҳолатини ўрганиш мақсадида Кузатув ўтказиладиган жойлардаги оилавий поликлиникаларда беш ёшгача бўлган болаларнинг индивидуал тиббий карталаридан фойдаланиш учун шароит яратиб берсин.	Кузатувни ўтказишда иштирок этадиган ходимларга болаларнинг иммунизация ҳолатини ўрганиш мақсадида Кузатув ўтказиладиган жойлардаги оилавий поликлиникаларда беш ёшгача бўлган болаларнинг индивидуал тиббий карталаридан фойдаланиш учун зарур шароитларни яратиб бериш.	Кузатув ўтказиш даврида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	<p>Бажарилди. 2020 йилнинг 23 июнь санасида Давлат статистика кўмитаси, соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ЮНИСЕФ ўртасида кузатув саволномалари дастлабки кўрикдан ўтказиш мақсадида видео семинар ташкил қилинди.</p> <p>Кузатувни ўтказишда иштирок этадиган ходимларга болаларнинг иммунизация ҳолатини ўрганиш мақсадида Кузатув ўтказиладиган жойлардаги оилавий поликлиникаларда беш ёшгача бўлган болаларнинг индивидуал тиббий карталаридан фойдаланилди.</p>
9.	9. Кузатувни ўтказишда: Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини	1. Танлаб олинган маҳаллаларда кузатувни ўз вақтида ва сифатли ташкил этишда ҳамда кузатувни амалга оширадиган мутахассислар гуруҳига	Кузатув ўтказиш даврида	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар	<p>Бажарилди. Жойларда кузатувни ўтказиш жараёнида маҳаллий ҳокимият органлари томонидан давлат статистика кўмитаси ва қуйи тизими ходимларига ҳар</p>

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Масъуллар Вазирлик ва идоралар	Ижро ҳолати
	<p>мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши – жойларда ишларни ташкил этиш юзасидан; Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси – кузатиладиган маҳаллаларнинг картасини тайёрлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан ваколатли органга ҳар томонлама қўмаклашсинлар.</p>	<p>жойларда масъул вакилларни бириктирган ҳолда ваколатли органга ҳар томонлама қўмаклашиш.</p> <p>2. Ўзбекистон Республикасининг шаҳар ва туманларидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари (МФЙ) даражасида маъмурий-ҳудудий бўлиниши харита-схемасини ваколатли органга тақдим этиш.</p> <p>3. Танловга тушган маҳалла фуқаролар йиғинлари (МФЙ) ҳудудида жойлашган уй хўжаликлари ва бошқа объектлардан (объектларнинг чегараси кўрсатилган ҳолда) иборат харита-схемаси ва у билан боғлиқ ваколатли орган томонидан сўраладиган кадастрга оид маълумотларни тақдим этиш.</p>	<p>2019 йил сентябрь</p> <p>2019 йил декабрь – 2020 йил март</p>	<p>хокимликлари, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Ергеодезикадастр давлат қўмитаси</p>	<p>томонлама қўмаклашилди.</p> <p>Бажарилди.</p> <p>Ергеодезикадастр давлат қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг шаҳар ва туманларидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари (МФЙ) даража-сида маъмурий-ҳудудий бўлиниши харита-схемаси тақдим этилди. Бугунги кунда кузатув учун 726 та МФЙлар серпантин усулида танлаб олиниб уларнинг рўйхати шакллантирилди.</p> <p>Кузатув ўтказиладиган 726 та МФЙлардаги 14520 та уй хўжаликлари сони аниқланиб ҳар бир маҳалла кесимидаги мавжуд харита-схемалар тайёрланиб ЮНИСЕФ мутахассислари билан биргаликда кўриб чиқилди.</p> <p>Давлат статистика қўмитасида Мультиинди-катор кластер кузатувларини ўтказиш бўйича тузилган ишчи гуруҳ ҳамда ЮНИСЕФ вакиллари билан ҳамкорликда МИКК кузатувида иштирок этадиган номзодларни масофавий тарзда видеоалоқа орқали суҳбат ўтказиш йўли билан танлаб олинди.</p>

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Масъуллар Вазирлик ва идоралар	Ижро ҳолати
					<p>2020 йилнинг 12 июнь куни Давлат статистика қўмитаси, ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда кузатувга тушган маҳаллаларни хариталарини тайёрлаш бўйича кузатувда иштирок этадиган мутахассислар учун видео семинар ташкил этилди.</p> <p>Давлат статистика қўмитаси, ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган Мультииндикатор кластер кузатувларини ўтказиш бўйича ишлаб чиқилган графигига асосан МИКК кузатувида иштирок этадиган мутахассислар учун ўқув тренинглари ўтказилди.</p> <p>2020 йилнинг 14-26 сентябрь кунлари Давлат статистика қўмитаси ҳамда БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ҳамкорлигида видеосеминар ташкил этилди.</p> <p>Онлайн тарзда ўтказилган мазкур ўқув-семинарда Давлат статистика қўмитаси раҳбарияти, халқаро экспертлар, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент вилояти ва пойтахтимиздан танлаб олинган супервайзер ва интервьюерлар иштирок этди.</p>

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Масъуллар Вазирлик ва идоралар	Ижро ҳолати
					<p>Жорий йилнинг 14–26 сентябрь кунлари ўтказилган ушбу ўқув-семинарида супервайзер ва интервьюерлар Давлат статистика қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси мутахассислари томонидан ўқитилди.</p> <p>2020 йилнинг 21–26 сентябрь кунлари ўқув-семинари иштирокчилари Тошкент вилояти, Тошкент шаҳар ва Қорақалпоғистон Республикасидан танлаб олинган маҳаллаларда мултииндикатор кластер кузатувлари саволномаларини тўлдириш бўйича амалий машғулотлар ўтказилди.</p> <p>Иккинчи босқичда Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри ва Тахиатош туманидан, Тошкент вилояти Қибрай туманидан ва Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманларидан танлаб олинган маҳаллаларда синов тариқасида кузатувлар ўтказилди. Кузатувларда саволномалардаги саволлар тўғри тузилганлиги ва респондентларга тушунарлилиги</p>

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Масъуллар Вазирлик ва идоралар	Ижро ҳолати
					<p>Ўрганилди ва якуний натижаларига кўра саволномаларга тегишли тузатиш ва аниқликлар киритилди. Ўқув-машғулоти якунида иштирокчилар Давлат статистика қўмитаси ҳамда БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) томонидан махсус сертификатлари берилди.</p> <p>Шунингдек 2021 йил 14-26 декабрь кунлари планшетларда САРИ платформасини синовдан ўтказиш ва кузатувда иштирок этувчи мутахассисларни ўқитиш ишлари ташкил этилиб, Тошкент шаҳри Олмазор туманидаги “Чигатой Оқтепа”, Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги “Баҳор” ҳамда Янгийўл шаҳридан “Меъзон”, Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманидаги “Водник”, Нукус туманидаги “Арбаш овул” маҳалла фуқаролар йиғинларидаги хонадонларда саволномаларни САРИ дастуридан фойдаланган ҳолда синовдан ўтказиш ишлари ўтказилди.</p>
10.	10. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш	Кузатув натижаларидан келиб чиққан ҳолда республикада болалар ва	2021 йил октябрь	Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси,	Бажарилмоқда. Миллий соҳалараро мувофиқлаштирувчи кенгаш

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Масъуллар Вазирлик ва идоралар	Ижро ҳолати
	<p>вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги 2021 йил 1 октябргача Кузатув натижаларидан келиб чиққан ҳолда тегишли йўналишларни ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.</p>	<p>оналар ҳолатини янада яхшилаш мақсадида масъул вазирлик ва идоралар томонидан тегишли йўналишларни ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>		<p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги</p>	<p>Йиғилининг (02-02/1-1394 30.09.2021й.) 3-сон йиғилиш баёнига мувофиқ Кузатувнинг 2-босқичида, ЮНИСЕФ методологиясига мувофиқ, жойларда уй хўжаликларида кузатув ишларини ўтказиш учун мустақил кузатувчиларни (интервьюерларни) жалб этган ҳолда ўтказиш учун қўмита веб сайти ва бошқа манбаалар орқали эълон берилиб республиканинг турли ҳудудларидан жами 39 нафар талабгор саралаб олинди ва ЮНИСЕФнинг тавсиялари асосида 17 кунлик тренинг ва амалий машғулотлари ўтказилди (19 октябрдан 6 ноябр кунлари). 2021 йилнинг 12 ноябр санасидан жойларда кузатув ишларининг иккинчи босқичи бошланди. Кузатувнинг иккинчи босқичи 2022 йил январь ойида якунланди. 2022 йилнинг биринчи ярим йиллигида кузатувнинг дастлабки натижалари ЮНИСЕФ тавсиялари ҳамда кузатув услубиятига мувофиқ таҳлил қилинмоқда. Шакллантирилган таҳлилий жадваллар асосида, ЮНИСЕФнинг</p>

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Масъуллар Вазирлик ва идоралар	Ижро ҳолати
					<p>халқаро экспертлари таклиф ва мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда ҳисобот иловалари ва хулоса жадвалларини шакллантириш, ҳисобот лойиҳасини тайёрлаш ишлари амалга оширилди.</p> <p>2022-йил 20-октябрь куни Тошкент шаҳридаги “Hilton” меҳмонхонасида Давлат статистика қўмитаси ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Халқаро болалар жамғармаси-ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида “Мултииндикатор кластер кузатувларининг дастлабки натижалари” мавзусига бағишланган тақдимот йиғилиши ўтказилди.</p> <p>MICS натижалари бўйича шакллантирилган статистик шарҳ, 16 йил ичида илк мартаба ЮНИСЕФнинг (mics.unicef.org) веб-сайтига жойлаштирилди.</p> <p>Кузатув натижаларидан келиб чиққан ҳолда тегишли йўналишларни ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш учун маълумотлар тақдим этилди.</p>
11.	11. Ўзбекистон миллий	2020-2021 йилларда	Кузатув	Ўзбекистон	Бажарилди.

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Масъуллар Вазирлик ва идоралар	Ижро ҳолати
	<p>телерадиокомпаниясига Кузатувни ўтказишнинг муҳимлигини кенг ёритилишини ташкил этиш, шунингдек, телерадиоканалларда Кузатув ўтказиш билан боғлиқ ахборот роликларини жойлаштириш ва уларнинг мунтазам эфирга узатиб борилишини таъминлаш тавсия этилсин.</p>	<p>Ўзбекистон Республикасида мультииндикатор кластер кузатувини ўтказилиши тўғрисида, кузатувнинг аҳамияти, долзарблиги ҳамда кузатув ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар бўйича ижтимоий ахборот роликларини тайёрлаш ва уларни мунтазам равишда республика ва маҳаллий телерадиоканалларда бепул тарзда эфирга узатиб бориш.</p>	<p>ўтказиш даврида</p>	<p>миллий телерадиокомпанияси</p>	<p>2020-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида мультииндикатор кластер кузатувини ўтказилиши тўғрисида, кузатувнинг аҳамияти, долзарблиги ҳамда кузатув ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар бўйича ижтимоий ахборот ролик тайёрланиб, уларни мунтазам равишда республика ва маҳаллий телерадиоканалларда бепул тарзда эфирга узатиш борасида иш олиб борилди.</p> <p>Бугунги кунда 2020-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида мульти-индикатор кластер кузатувини ўтказилиши тўғрисида Давлат статистика қўмитаси томонидан видео ролик ишлаб чиқилиб Ўзбекистон 24 телеканалли ҳамда Давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайтига жойлаштирилди.</p> <p>Бундан ташқари қўмитанинг расмий веб сайтида MICS учун махсус саҳифа яратилди ва MICS лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган барча ишлар тўғрисидаги маълумотлар жойлаштириб борилмоқда. ЮНИСЕФ томонидан MICS кузатувининг мазмун моҳиятини</p>

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Масъуллар Вазирлик ва идоралар	Ижро ҳолати
					<p>ёритиб берувчи видеороликлар тайёрланиб Давлат статистика қўмитасига тақдим этилди, ушбу видеороликлар қўмитанинг ижтимоий тармоқларида, веб сайтида ҳамда Республика ва ҳудудий телерадиокомпания-ларда намоиш этилди.</p> <p>2021 йил 16 июнь куни соат 14:00 да Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Давлат статистика қўмитаси томонидан “Республикада болалар ва аёллар ҳолатини халқаро даражада баҳолаш мақсадида ўтказилаётган мультииндикатор кластер кузатувлари” мавзусига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.</p> <p>2022 йилнинг 23 ноябрь куни Тошкент шаҳридаги Миллий матбуот марказида Давлат статистика қўмитаси ҳамда БМТ Халқаро болалар жамғармаси УНИСЕФ томонидан “Болалар ва аёллар ҳолатини халқаро даражада баҳолашда Мултииндикатор кластер кузатувларининг аҳамияти” мавзусига</p>

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Масъуллар Вазирлик ва идоралар	Ижро ҳолати
					<p>бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.</p> <p>Тадбирда Давлат статистика қўмитаси раҳбарияти, марказий аппарат ходимлари, БМТ Халқаро болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.</p>